



ISBN 978-9943-26-414-4



9 789943 264144

ЛИНГВИСТ



(Илмий мақолалар тўплами)

I



ISBN 978-9943-363-78-6



9 789943 363786

Маҳмуд Кошғарий “урғочи тоғ эчкиси” семемасининг аркар зооними ёрдамида ифодаланишини урғулайди (I, 139).

“Улоқ, эчки боласи”нинг оғлақ зооними билан англашилганини Маҳмуд Кошғарий зикр этган (I, 141). Табиий, бу лексема ҳам эркак, ҳам урғочи улоққа нисбатан қўлланаверган. Кейинги давр тилида сақланиб қолган. Итсимонлар вакили “ит”ни ифодалаш учун аждодлар қадимдан ит лексемасидан фойдаланганлар (I, 71). “Урғочи ит” семемаси қанжық зооними билан англашилган (I, 440). Сўнги зооним “Таржумон” тилида мавжуд (12 а 7).

Маҳмуд Кошғарий лугатида умуман ҳайвонлар боласига нисбатан қўлланган энўк зооними (I, 102) “Таржумон”да туркманлар тилида фақат ит боласини ифодалашни қайдланган ва у кўчўк зооними билан маънодош бўлган (12 а 8).

Жонивор (ҳайвон)лар жинсини ифодалашда умумийлик ва хусусийлик, интеграл ва дифференциал, бутун ва бўлак маънолари нуқтаи назаридан ёндашиш маъқуллиги равшанлашди.

Эркак ва урғочи ҳайвон (жонвор)ларни бир-биридан фарқловчи лексемаларнинг XI аср эски туркий тилида мавжудлиги аждодларнинг нарса – предметларни номлашдаги истеъдодини намоён этади.

Абжалова М, магистрант

Матнни морфологик даражада автоматик таҳрир қилиш

Табиий тиллардаги матнларнинг компьютерли таҳрири борасида кейинги пайтларда тилшунослар томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Диққатга сазовор илмий изланишлар, ҳаттоки, катта ҳажмли ҳужжатлар ҳам математик методлар асосида таҳрир қилинмоқда. Шу билан бир қаторда кидирув тармоғида киритмаларни тўғридан-тўғри таҳлил ва таҳрир қилишга эришилмоқда.


Бугунги кунда матнни техник таҳрир қилиш борасида яратилаётган ишлар асосан қуйидаги йўналишда олиб борилмоқда:

- 1. Компьютерли грамматика
 - 2. Компьютерли семантика
-
- ```
graph LR; A[1. Компьютерли грамматика] --> B[Компьютерли морфология]; C[2. Компьютерли семантика] --> D[Компьютерли синтаксис];
```

Морфологик таҳрирда асосан орфографик хатоларни текшириш кўзда тутилади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Тилнинг луғат таркибини компьютерга киритиш, яъни электрон луғатни жорий этиш.
- Луғатдаги адабий тилга мансуб сўзларни ажратиб олиш.
- Олинган сўзларни туркумларга ажратиш.
- Сўзларни туркум доирасида гуруҳлаш (масалан, от туркумидаги сўзларни шахс отлари, ўсимлик номлари, жой номлари каби гуруҳларга ажратиш).
- Гуруҳланган сўзларга қўшимчалар комбинациясини тузиш. Бунда қўшимчалар комбинациясининг амалда адабий тил доирасида фойдаланиладиган ҳажми олинади. Комбинациялар каторини тузишда қўшимчалар кетма-кетлиги эътиборга олинади. Масалан, от туркумида кўплик+эгаллик+келишик категорияси ва х.к.
- Тузилган қўшимчалар комбинацияси сўзларга бириктирилади.
- Тилшунослар томонидан амалга оширилган юқоридаги ишлар дастурчи томонидан таъминотга киритилади.

Синтактик таҳрирда асосий мақсад (биринчи кадамда) сўзларнинг ўзаро боғланиш меъёрларини эътиборга олиш. Бир сўзшакл бир қанча сўзнинг грамматик формасига тўғри келиши мумкин. Бундай ҳолда сўзларни фарқлаш учун матн киритувчига шундай сўзлар варианты кўрсатилади ва матн терувчи сўзлардан мувофиқини танлаб қўяди. Ушбу жараён морфологик таҳрирда ҳам кузатилади. Яъни сўзнинг хато ёзилгани аниқлангач, матн терувчига танлаб қўйиш имконини берувчи сўзлар варианты берилади.







### Фойдаланилган манбалар:

1. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. – М., 1966.
2. Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 357.
3. Беляева Л.Н., Откупщикова М.И. Автоматический (машинный) перевод // Прикладная лингвистика. – СПб., 1996.
4. Кибирк А.Е. Прикладная лингвистика // Очерки по общим и прикладным вопросам языкознания. – М., 1992.
5. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIV. — (Компьютерная лингвистика). – М.: Прогресс, 1989.

### Интернет сайтлари:

1. <http://www.russian.slavica.org>
2. <http://www.iitp.ru/iitp/lab15.htm>.
3. <http://www.rsuh.ru/dl/glava10/glava10right9.htm>
4. <http://www.ce.cctpu.edu.ru/msclub/systems/epstn.htm#5>.

**Murodov H, magistrant**

### О`zbek kompyuter lingvistikasi va ovozi matn dasturi

Vatanimiz mustaqillikka erishgandan so`ng millatning o`zligi bo`lgan ona tiliga bo`lgan e`tibor tubdan o`zgardi. Til inson tafakkurining oltin mevasi, odamlararo o`y-fikrlarning almashinish vositasidir. Til millatning borligini, qudratini, nasl-nasabini anglatadi. Til borki, millat bor, millat borki, Vatan bor. Tili yo`q millatning o`zi ham bo`lmaydi. O`zbek xalqining tili qadim davrlarga tengdosh. U hozirga qadar mangu, barhayot. Sababi, tilimizning barhayotligi shu tilga bo`lgan munosabat, shu til uchun amalga oshirilgan sa'y-harakatlar bilan bog`liq. Mamlakatimiz Prezidenti I.A.Karimiov o`zining "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ham til masalalariga to`xtalib o`tib, tilning millat ruhi ekanligini ta'kidlaydi. Til har doim o`zgarishda bo`ladi. Bu tabiiy jarayondir. Zamon taraqqiy etgani sari til taraqqiyoti ham shunga monand bo`lishi darkor. Chunki taraqqiyotning negizida